

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (10.898)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Сингапур Менежментни ривожлантириш институти бош қотиби, доктор Раманатан Дейвендра бошчилигидаги делегация пойтахтимиздаги қатор молия, олий таълим муассасаларида учрашувлар ўтказди.

● Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Сийсий партиялар ва фуқаролик жамияти: Германия ва Ўзбекистон таъриби» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қўйи палатаси депутатлари, олимлар, давлат тузилмалари, сийсий партиялар, жамоат бирлашмалари, олий ўқув юрталари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Пойтахтимиздаги халқаро бизнес марказида «Ипотека банк» АТИБ ва Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки ўртасида «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини соғуқ ва иссиқ сув жиҳозлари билан таъминлаш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ШХТ давлатлари учун ажратилган имтиёзли маблағлар ҳисобидан 17 293 502,35 АҚШ долларлик ўзаро келишув имзоланди.

● «Ўзқишлоқхўжалиқмашлизинг» акциядорлик компаниясининг Хоразм филиали вилоят фермерларига жорий йил охиригача 100 та янги трактор етказиб беришни режалаштирган. Яқинда «ЎзКей» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «МХМ-140» русумли 24 та янги трактор эгаларига тарқатилди.

● Жиззахлик қоракўлчилик кўзилаштириш мавсумини муваффақиятлар яқунлади. Вилоят «Қоракўлчилик» ширкатлар бирлашмаси таркибидagi хўжалиқда боқилаётган 94 минг 515 бош совлиқдан 95 минг 369 бош кўзи олинди.

● Самарқанд шаҳрида «Ядро-инвест» қўшма корхонаси иш бошлади. Россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ва замонавий технологиялар асосида ишлаётган ушбу корхонада бир кеча-кундузда 2 минг донадан ортиқ шифер маҳсулоти тайёрланмоқда.

● Кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳардаги қирқдан зиёд иншоотда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. «Ёшлар» хйбони, «Маҳалла» гузари, ёпик сузиш ҳавзаси каби иншоотлар ҳам қайтадан қирий оцмоқда.

● Жиззах давлат педагогика институти ҳузурдаги 350 ўринли академик спорт мактабининг янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

● Андижон туманининг Куйганёр шаҳарчасида қишлоқ мулкдори Тоҳиржон Толипов «Руббер-траст» кичик корхонасини ташкил этди. Оёқ кийими ишлаб чиқариладиган ушбу корхонада маҳаллий ёшларнинг 250 нафари иш билан таъминланди.

● Урганч олимпия заҳиралари коллежида республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган республика спартакиадасининг минтақавий босқичи яқунланди.

● Қарши шаҳридаги «Насаф» ўйингоҳида вилоятнинг тиббийёт соҳасида хизмат қилаётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг етти тури бўйича спартакиада бўлиб ўтди.

● Республика «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб футбол фахрийлари билан касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

● Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида июн-рум кураши бўйича ўтказилган йирик халқаро турнирда ҳамюртимиз Баҳобек Янгибоев олтин медаль соҳиби бўлди.

ЖАҲОНДА

● Британия полицияси 2005 йил 7 июлда Лондон шаҳрида жамоатчилик транспортларида амалга оширилган терактларга алоқадорликда гумон қилиб яна тўрт кишини хйбсга олди. Гумондорлардан уч нафари Уэст-Йоркшир ва яна бир нафари эса Бирмингемда қўлга олинди.

● Франция суди 53 ёшли Саудия Арабистони шаҳздаси Найефа бен Султон Фаваз аш-Шаалани сиртдан ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. У гиёванд моддаларни ташинишда, сақлашда ва тарқатишда айбдор деб топилди.

● Ҳиндистонда ўрта радиусли «Притхви-1» ракета синов муваффақиятли яқунланди. Манбада келтирилишича, ракета 250 километр масофагача етиб бора олади. Чандипур полигононида ҳавога кўтарилган «Притхви-1» белгиланган масофани етти минутда босиб ўтган.

● Туркия парламенти депутатлари мамлакат Конституциясига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишида маъқуллашди. Асосий қонунга ўзгартириш киритишни 550 парламентарийнинг 356 нафари ёқлаб овоз берди.

● Арманистон пойтахти Ереванда муҳолифат тарафдори бўлган 6 мингга яқин киши норозилик намойиши ўтказди. Намойишчилар ҳукуматни 12 май куни бўладиган парламент сайловлари арафасида муҳолифат—«Ориена-церкир» партиясини сиқувга олаётганликда айблади.

● Воронеж университети ертўласидан улкан кутубхона топилди. Маълумотларга кўра ушбу илмий мажмуа XVI асрда барпо этилган бўлиб, бу ерда Россия тарихига оид китоблардан ташқари лотин, эски немис ва француз тилида ёзиб қолдирилган асарлар ҳам бор.

ЭНЕРГЕТИКАГА ОИД ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 10 МАЙ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ САНОАТ ВА ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ВИКТОР ХРИСТЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Сизнинг Ўзбекистонда ўтказадиган музокараларингиз самарали бўлишига ишончим комил, — деди Президент Ислам Каримов.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтаришда мамлакатларимиз ўртасида 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда, ўзаро товар айналошида ҳам муҳим муттасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг салмоқли қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони тўрт юз эллиқдан ошди. Россияда эса Ўзбекистон сармоясига билан тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий

соҳалари — савдо, энергетика, сугурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноятнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Ёқилғи-энергетика мажмуидagi ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармоясига ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистрал қувурларни ривожлантириш, янги қонларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридagi ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

В.Христенко Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, газ-транспорт магистралларини замонавийлаштиришда ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимиз манфаатига мос келишини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россиянинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «UZBEKISTAN AGRONITECH—2007» ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯ ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАР ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА-САВДОСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ Янгиликлар, воқеалар



Кўргазмалар



Пойтахтимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу кўргазма-савдоси Ўзбекистон Ташкилоти алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, республика Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжалиқлари уюшмаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Германия, Россия, Венгрия, Украина, Исроил, Бельгия, Австрия, Беларусь сингари давлатларнинг 200 га яқин компания ва фирмалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжаллаган минитехнология ҳамда ихчам ускуналарини намойиш этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йилги биринчи ҳудди шундай кўргазма Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисос-



МИНИТЕХНОЛОГИЯ ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАР НАМОЙИШИ

лаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросининг ёркин намойиши бўлиб, унда жаҳоннинг 26 мамлакатидан 185 та компания ҳамда фирмалар қишлоқ хўжалиги учун техника ва жиҳозлари билан қатнашган эди. Кўргазмани юртимизда фаолият кўрсатаётган 14 мингга яқин фермер ва қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари келиб кўргани, фойдали шартномалар имзолангани унинг аҳамиятидан ёркин далолатдир.

Айни кунда давом этаётган кўргазма-савдога мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган фермер ва қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари илғор, замонавий, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ниятда қўл келадиган минитехнология ва ихчам ускуналар билан танишар эканлар, шу билан биргаликда уларни сотиб олиш учун шартномалар ҳам тузиш имкониятига эга бўладилар.

— Ўтган йилги кўргазмани ҳам томоша қилган эдик,— дейди фарғоналик фермер хўжалиги раҳбари, тадбиркор Одижон Собиров.—Бу йилги тадбирда шунга амин бўлдики, кўргазмалар намойиши анча бойган. Яна шуниси эътиборлики, хорижий йирик компанияларнинг вакиллари иштирокида ўтказилаётган семинарлар фермер ва деҳқон хўжалиги раҳбарлари билимларини бой-

итиб, янги, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш борасидаги тажрибаларини янада оширади. Биз ҳам ўзимиз учун зарур ускуналарни сотиб олишни режалаб турибмиз.

Нафақат фермерлар, балки хорижий компаниялар учун кўргазмада қатнашиш фойдали бўлиб, айтиш жоизки, Президентимизнинг юқоридаги Фармонига кўра, минитехнологияларнинг ва ихчам ускуналарнинг намоналарини юртимизга вақтинча олиб кириш ҳамда шартнома асосида фермер ва деҳқон хўжалиқлари, агрофирмаларга сотишда қулай шартноларни яратиш учун улар истисно тариқасида икки йил муддатгача божхона тўловларидан озод этилган. Бу албатта, фермерлар учун ҳам қулайлик туғдириб, улар харид қиладиган минитехнология ва ускуналар нарҳига ижобий таъсир этади.

14 майгача давом этадиган ушбу халқаро тадбирга ташриф буюрган қишлоқ мулкдорлари албатта, нафақат намойишдан баҳраманд бўлишда, шунинг баробарида кўплаб фойдали шартномалар тузиш, минитехнология ва ихчам ускуналарни харид қилиш имкониятига эга бўлишда.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: кўргазма-савдодан лавҳалар. ЎЗА суратлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2007 йил 8-9 МАЙ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ»НИНГ АДЛИЯ, ИЧКИ ИШЛАР, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА БОШҚА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА КИЧИК ҚЎМИТАСИНING НАВБАТДАГИ, ТЎРТИНЧИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИГА АДЛИЯ ВАЗИРИ Ф.ОТАХОНОВ БОШЧИЛИК ҚИЛДИ. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАРКИБИ ҲОЗИРДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА РАИСЛИК ҚИЛИБ ТУРГАН ГЕРМАНИЯНИНГ, ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМИССИЯСИ ВА КЕНГАШИНING ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ ЭКСПЕРТЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛДИ.

Йиғилиш давомида томонлар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, чегараларни бошқариш, божхона ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Илгари эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда, Кичик қўмида доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида демократик ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи аъзо мамлакатларда фуқаролик жамиятини мустақамлаш борасидаги аҳвол қамраб олинган инсон ҳуқуқлари бўйича кенг қўламли масалалар юзасидан, шунингдек, ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг истиқболга оид мунтазам равишдаги музокаралар бошланди. Музокаралар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланади.

Амалий ва ҳамфикрлик руҳида ўтган йиғилиш яқини бўйича томонлар ушбу музокаралардан қониқиб ҳосил қилганликларини билдирдилар.



●ТОШКЕНТ шаҳар Адлия бошқармаси «Оила маросимлари» маркази ташаббуси билан ўтган кун ишчиликнинг тадбири «Фахрийлар—фахримиз» деб номланди.

●ИЖТИМОЙ ҳимоя йили муносабати билан «Зарафшон» концерт залида уюштирилган хайрия концертида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок эттишди.

●МИРОБОД туманидаги Йўлдош Охунбоев номидаги маҳаллада туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамкорликларида маҳалланинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган семинарда она ва бола саломатлигини асрашнинг муҳим омиллари борасида сўз борди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

МАЛАЙЗИЯ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ ТАН СРИ ДАТО СЕРИ ҲОЖИ АБДУЛРАШИД БИН АБДУЛРАҲМОН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 10 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗАУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Малайзия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги барча йўналишларда, жумладан, сайлов органларининг ўзаро алоқаларини кенгайтиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Сайлов комиссиялари ўртасида маслаҳатлашувлар ва тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси вакилларининг 2006 йил сентябрь ойида Малайзияга ташрифи чоғида мамлакатларимиз сайлов комиссиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланган.

Музокарада бу борадаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу кун икки мамлакат сайлов ва қонун чиқарувчи органлари вакиллари, олим ва мутахассислари иштирокида халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон ҳамда Малайзия сайлов тизимларида бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон сайлов тизими ва унинг халқаро андозаларга мослиги, Малайзия сайлов тизими оид мавзуларда маърузалар тингланди. Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон ва Малайзиянинг сайлов тизими, сайлов қонунчилиги борасида ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Жумладан, мамлакатимизда сайловларда сийсий партияларнинг иштироки ва сийсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун ўттиз фоизлик квота белгиланганлиги малайзиялик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон барча соҳалар бўйича изчил ривожланиб бораётган мамлакатлардан, — деди Малайзия делегацияси раҳбари Тан Сри Дато Сери Ҳожи Абдулрашид бин Абдулраҳмон журналистлар билан суҳбатда. — Хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий ҳаётдаги фаоллиги муттасил ошаётгани яққол кўзга ташланади. Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими жорий қилинган ҳам халқ хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ўзгариш бўлиб, демократик жараёнларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Шу кун Малайзия Сайлов комиссияси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги, жумладан, сайлов қонунчилиги оид ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш борасидаги алоқалари фаоллашиб бораётгани таъкидланди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ва сайлов комиссиялари ҳамкорлигининг истиқболга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Малайзия Сайлов комиссияси раиси Тан Сри Дато Сери Ҳожи Абдулрашид бин Абдулраҳмон пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

(ЎЗА)

Тадбиркорлик

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «НОҲИ САЙД» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ 35 НАФАРДАН ИБОРАТ АҲЛИ ЖАМОА АҲЛИ 2004 ЙИЛДАН БУЁН ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА СИФАТЛИ НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШМОҚДА.

Ўтган йили корхонада янги маҳсулот турлари яратиш муваффақиятли кечди. Умуман, мазкур фаолиятда ишлаб чиқариш ҳамда ва маҳсулот турларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Элимиз саломатлигини таъминлаш учун корхонада нонлар бойитилган ундан ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар харидор ахтиёж ва талабидан келиб чиққан ҳолда герметик кадокланиб, савдо дўконларида чиқарилади ҳамда харидор-ғирлиги таъминланмоқда. Дармондориларга бой нонларни фақат маҳаллий хом ашё — «Тошкентдонмаҳсулотлари» компаниясидан келтириладиган жажон талабларига жавоб берадиган ундан тайёрланади.

Ишни тўғри ташкил этиш, бозор талабларини ҳис этиш ушбу корхона раҳбариятидан чуқур билим ҳамда маҳоратни талаб қилади ва амалда ташаббускорликни қўллашга тўғри келади. Шу боис, жамият ҳаётларида Германия давла-



тидан келтирилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг юксак унумли дастгоҳ, ускуна, технологик линиялари ўрнатилган. Сидқидилдан меҳнат қилаётган корхона ишчилари маъмурият томонидан уларга яратилган қулай шарт-шароит, ижтимоий ҳимояни доимий ҳис қилишади.

Сифатли, мазали, аиникса, дармондориларга бой маҳсулотларга харидорларнинг талаби катта. Шу боис новвоилар маҳсулот турлари устида тинимсиз иш олиб бориш, шахримизда ўтказилаётган кўрик-танлов ва кўрғазмаларда муваффақиятли иштирок этиш асосида харидорлар сафини оширмоқда. «Исломобод» маҳалласида ушбу жамиятнинг фирмали дўкони фаолият юритмоқда, жорий йил охиригача дўконларни кўпайтириш режалаштирилган.

Ҳозирда жамоа аҳлининг меҳнат самараси ҳисобланган 30 хил турдан ортик нон ва нон маҳсулотлари орасида батон (йодланган), «Атиргул» ва «Нихол» ёнғоқ ҳамда асал қўшиб тайёрланадиган нонлари (анемия касалигига даво ҳисобланадиган), «Хон кизи» (қандли диабет билан хасталанганларга мўлжалланган) каби маҳсулотлар аиникса, харидорларни мамнун қилмоқда. Жумладан, «Серебрянка», «Баҳор», «Тонг» каби твроогли, майизли булочкалар, тешиқкулчалар харидорғирлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш корхона аҳлининг ютуқларига омили бўлмоқда. Масалан, Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқинида ушбу жамият аҳли совринли ўрин соҳиб бўлди.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: «НОҲИ САЙД» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ АҲЛИ ҲОЗИРДА БАРЧА МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ САКЛАШ УЧУН ГЕРМЕТИК КАДОКЛАБ, СОТУВГА ЧИКАРМОҚДА.

Наталья Семёнова олган суратлар



МУҲОКАМА ЖАРАЁНИ ЯҚУНЛАНМОҚДА

МАЪЛУМКИ, ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САҢЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАЛАРИДАГИ 2007 ЙИЛГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТАНЛОВИГА ҚЎЙИЛГАН ИШЛАРНИНГ ОММАВИЙ МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ушбу жараёнда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, илмий муассасалар, илмий-техник жамиятлар, олий ўқув юртра, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари, архитекторлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашмоқдалар. Марказий газета ва журналларда туркум мақолалар нашр этилмоқда, телевидение ва радио орқали қатор материаллар эфирга узатилмоқда, жойларда тегишли ишларнинг муҳокамаси билан боғлиқ учрашувлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда ишларнинг савияси, тегишли соҳаларнинг тараққиётига қўшган ҳиссаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник, жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишидаги ўрни, амалиётга жорий этилиши, халқроқ миқёсда ҳамда юрт ичида эътироф этилгани, кенг жамоатчилик томонидан қандай кутиб олингани, мукофотга лойиқлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотла-

ри Кенгаши шўбаларида ўтказиладиган муҳокамалари давомида мазкур маълумотларга асосланлади. Кенгашининг санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича шўбасида куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида бу борадаги жорий ишлар муҳокама мавзуси бўлди. Жумладан, ишларнинг кенг жамоатчилик томонидан муҳокамаси жараёни яқунлаши арафасида эканлигини назарда тутган ҳолда, мукофотларга номзодлар бўйича оммавий ахборот воситалари орқали мақолалар берилиши ҳамда фикр-мулоҳазалар баён этилган ҳужжатлар куйидаги маъзилларга юборилиши бўйича тезкор чоралар кўрилиши муҳимлиги таъкидланди:

Фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70, 320-хона, тел: (371-) 133-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларидаги Давлат мукофотлари бўйича: 100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30, 1-қават, 21-хона, тел: (371-) 139-49-57, 144-31-90.

Ш.АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими

Хунари гўзаллар

ЖОЗИБАДОР БЕЗАКЛАР

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ, ДЕГАН НАҚЛ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАНКИ, ЧУНКИ УШБУ ХУНАР СОҲИБИ МАҲСУЛОТ ЯРАТАР ЭКАН, УНИ ОДАМЛАРГА МАНЗУР ЭТИШ НИЯТИДА АНЧАГИНА МАШАҚҚАТ ТОРТАДИ, БИЛИМ ВА МАҲОРАТИНИ ИШГА СОЛАДИ.

Устози Кўчкор Тўраевдан заргарлик хунари сир-асрорларини мукамал ўрганган Камолиддин Ҳожибоев бугун ўз касбининг устаси бўлибгина қолмай, балки уни шоғирдларига ҳам мукамал ўргатмоқда. Аввало заргар ҳар бир беаз устида ишлар экан, унинг эскизини яратишга алоҳида эътибор қаратади.

Тайёрланган эскиз — бу маҳсулотнинг қандай ясалishiда катта аҳамиятга эга, — дейди ҳозирда Утпена миллий хунармандчилик коллежида ёш йигит-қизларга хунар сирларидан сабоқ бераётган заргар уста Камолиддин Ҳожибоев. — Олдий металллардан фойдаланиб жозибадор беазлар тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало шу хунарга меҳр-муҳаббат, чидам ва маҳорат керак бўлади. Аиникса, тарихни ўрганиш, миллий урф-одатларимизни ҳурмат қилиш ҳам катта аҳамият касб этиб, шу асосда чиройли ва бежирим буюмлар яратилади.

Бугунги кунга келиб ёш, аммо иқтидорли заргар яратган тақинчоқлар тури 100 хилдан ортиб кетди. Улар орасида ҳар хил турдаги нақшинкор зирак, билакузук, зебиғардон, узук ва бошқа ашёлар харидорларга манзур бўлмоқда. Заргарлик буюмлари мадраса ва меҳмонхоналарга буюртма асосида тайёрлаб берилмоқда. Уларнинг чет эллик харидорлари ҳам борлиги қувонarli бўлиб, бу миллий хунармандларимизнинг ютуқларидандир.

Нозима АҚРОМОВА

ОДАТДА БАНКЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИ, НУФУЗИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИ МИЖОЗЛАРГА КЎРСАТАЁТГАН ХИЗМАТ ДАРАЖАСИДАН ҲАМ БИЛИБ ОЛСА БЎЛАДИ. ЧУНКИ БАНК МИЖОЗЛАРГА ҚАЧОНКИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАНДАГИНА АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ КЎПРОҚ ЖАЛЕ ЭТИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИ.

Иқтисодиёт

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими пойтахтнинг ана шундай салоҳиятли банкларидан саналади. Бунга қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан, ўтган йил якунлари бўйича банк маблағлари миқдори 61,8 миллиард, захира сармоя эса 25,5 миллиард сўмга етганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Албатта, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан бирмунча юқоридир. Шунингдек, банкнинг ресурслари қўйилмаларидаги ўз маблағлари улуши 70,4 фоизга етказилиб, иқтисодиётнинг реал секторига 401,8 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратганлиги ҳам унинг миқозлар ўртасидаги нуфузи янада ортаётганлигини кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, мавжуд кредит маблағларининг асосий қисми ёнилги-энергетика, кимё, машина-созлик каби йирик саноат корхоналарига йўналтирилган бўлсада, аммо кичик бизнес субъектлари ва истеъмол кредитларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мана шу ишларнинг самараси натижасида ўтган йили кичик ҳизмес субъектларини ривожлантириш учун жами 48,4 миллиард сервис хизматлари тараққиётига 801,9 миллион сўм ва аҳолининг рўзгор буюмлари, радио-электрон товарлар харид қилишлари учун етарли миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу эса миқдорлар сонининг янада ошишига хизмат қилмоқда. Хусусан, ўтган йили банк томонидан 42,4 мингдан ортик корпоратив миқозга хизмат кўрсатилган бўлса, уларнинг сони бу йил 2,4 мингга ортиди. Жисмоний шахслар сонини эса 922,5 мингга етказишга эришилди.

Мазкур банкнинг Ривожлантириш стратегия бошқармаси бошлиғи Отабек Мансуровнинг таъкидлашича, банк жамоаси ана шу эришилган муваффақиятлар билан қанақалиб қолгани йўқ. Миқозларга янада қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда минибанклар, махсус кассалар ташкил этиш, пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасида ҳам салмоқли қадамлар ташланмоқда. Шунингдек, миқозлар билан хизмес-китобни янада жадаллаштириш, унинг сифатини янада ошириш мақсадида «Банк — миқоз» дастурий мажмуаларнинг 239 таси аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади. Албатта, буларнинг барчаси банкка нисбатан келажақда ишонч билан қарашларига замин яратмоқда. Бундай юксак ишонч эса банк жамоасини янада юксакликлар сари ундайверади.

Очил ҲАЗРАТОВ

МИННАТЛИ ОШ

Автобусга икки нуроний қариялар чиқибди. Олдинги ўриндикларда ўтирган болали аёл ва анча ёши қоралаб қолган онахон уларга ҳурмат юзасидан жой бермоқчи бўлишди.

— Йўқ-йўқ, ўтираверинглар, биз орқароқ ўтамыз, сизлардан кўра ёшлар бордир жой берадиган.

Отахонлар тикан автобусда туртиша-суртиша орқа томон ўтишди. Бошқа ичкарилашнинг иложи бўлмагач, бир-бирига сўз бермай, бир гапириб ўн қулиб келаётган икки дугона ўтирган ўриндик олдида тўхташди. Қизлар олдингига кўриб-кўрмасликка олишди, эътибор беришмади. Қачонки уларни ўзгалар оғохлантиригандан кейин рўпараларида турган қарияларни «қўриб» қолишди.

— Вой Попу, жойинг эгалари келишди.

занд ота-онага раҳмат ёғдиради, ноқобили эса лаънат келтиради, деб.

ҲАР НАРСАНИНГ УВОЛИ БОР

Яқинда ўн ёшли набирам каттагина ўрик шохини аранг кўтага қўриб қирди. Қарасам шох тўла гул-ғул довучча. Улар орасида ранг кириб қолганлари ҳам бор.

— Бу нима? — сўрадим набирамдан.

— Кўрмаяписизми бобо, довуччаку.

— Дарахт шохларини ким синдириятти десам, бу сенинг ишинг эканда. Нега синдиридинг?

— Бизникини мен синдирмайман, Эркин синдиради. Мен уларникини синдиридим.

— Нега синдирасан, ахир гўра-лар увол-ку. Улар пишганда қанча

Эртасига ҳам йўлга чиқдик. Йўл юрсак ҳам мўл юриб, табибнинг уйини топиб бордик. Ҳақиқатан ҳам номдор экан шекилли, эшик тагига навбат кутиб ўн чоғли одам турарди.

Тушга яқин навбатимиз келди. Унинг ҳузурига қиришдан олдин танишим: «Касалингни айтаман, унинг ўзи томирингни ушлаб дилнингдагини айтиб беради», деб тушунтириш берди. Шундай қилдим. Табиб қўлимни тутди. Кейин кўзимга узоқ тикилди.

— Яхши, — деди ниҳоят, — сизни қон босими қийнаётган экан бироқ.

Оёқ оғриги, қанд касалим борлигини билардим лекин қон босимим борлигидан беҳабар эдим. Нима дейман. Қаричилик. Шунақа бўлса бордир. Шундай бўлса-да табибга келишим боисини айтдим.

— Мен оёқ оғригига даво истаб

келганим олдингизга.

— Билдим, бир йўла иккаласини даволаймиз. Уч-тўрт марта келсангиз, бутунлай шифо топиб кетасиз.

У кетар чоғим қўлимга бир шиша суюқлик тутиб, уч маҳал ичимни, яна икки кундан кейин келишимни тайинлади. Табиб айтаган барча муолажаларни илҳос билан бажардим. Олдига керагини қатнашди. Лекин оёғимдаги оғриқ кунайса кунайдики қамаймади. Охири шифокорларга мурожаат қилдим. Ҳар қалай уларнинг муолажаларидан сўнг, ҳозир яхшиман.

Яқинда ўша танишим билан яна учрашиб қолдик. Уни бел оғриги қийшайтириб қўйибди. «Нима бўлди», десам, касалидан шикоят қилиб қолди. Охирида:

— Уч-тўрт табибларга кўрсатдим бўлмади. Энди фалон жойда доврағу чиққан табиб бор экан, шунга қатнашман, — деди инқиллаб-синқиллаб.

Йўқ, танишимни у табиб ҳам дардига даво бера олмади. Қўярга қўймай уни шифокор ҳузурига олиб бордим. Шифокорнинг тавсияси билан танишим касалхонада бир неча кун ётиб соғайиб чиқди.

«Энди қалайсан?» десам, у тан бериб: «Барибир қайта-қайта чиғирикдан ўтказса ҳам шифокор яхши экан. Минг қилса ўқиб-ўқанда, тажрибаси бор. Балки табиб юқтирган иқтидорли табиблар, беморлар дардига даво бўлишга қодир ноёб табибати инсонлар бўлса бордир. Лекин мен табибман деб ўтирган дуоғўйларнинг барчасига ишониб бўлмас экан. Аслида ҳар қандай дардга малҳамни шифокорлардан излаш лозим экан, — деб қолди сўзининг охирида танишим.

Донишмандлар шифокорларни бекорга ҳам «Соғлиқ посбони» деб аташмайди-да.


МИНГ ДАРДАГА МАЛҲАМ

Бир танишим бор, сал тоби қондимни, табибга юғуради. «Нега шифокорларга учрашмайсан», десам, «Улар касалингни аниқлагунча минг чиғирикдан ўтказишда-да, кейин қўлингга уч-тўрт хил дори-ларнинг рўйхатини ёзиб беришади. Қайси бирини ичишни билмайман. Табиб эса томирингнинг уришини кўриб дардингни тушунади», деб жавоб беради.

Тунув кунни уни кўргани бориб, оёқ оғригидан шикоят қилиб қолдим.

— Менга қара, зўр табиб бор, шунга олиб бораман. Олдига икки-уч қатнаска бутунлай шифо топиб кетасан, — деб қолди.

Қани бунисини ҳам бир кўрайчи, деб унинг тақлифига розилик билдиридим.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Гар ақлга боз ақл ҳамроҳ бўлур,
Нур бўлур афзуну йўл пайдо бўлур.

Нафс агар нафс бирла хуш, хандон бўлур,
Зулмат ичра йўл басы пинҳон бўлур.

Офтоби маърифат ўчгайму ҳеч?
Ақлу жон осмонидин кўчгайму ҳеч?

Эрса кўнгил кўзгуси шаффофу пок,
Акс этур нақшлар, кўринмас обу хок.

Кимки мағрур, бошига тупроқ ани!
Жазб этар яхшини яхши.

Аҳли ботил бирла ботил хуш эрур,
Боқий ул боқий била сархуш эрур.

Дўзахийлар—дўзахийнинг жозиб,
Жаннатийлар—жаннатийнинг толиб.

Гар гўзал чорлар хунукни қошига,
Бир ажиб савдони солгай бошига.

Гар юрарсен эғриларга эш бўлиб,
Ақлу хушингдан қоларсен айрилиб.

Жон болам, гар дейди иблис,
Алдамоқ истар сени деви лаин.

Бўйла макр этди, бобонгни алдади,
Одаминни алдади, мот айлади.

Улки фарзинни асир этмиш басы,
Бўзга лекин тикқлгай бир хасы.

Бўзга йилларча ул хас санчилур,
Ҳас эмас ул, меҳри жоҳу мол эрур.

Ўғри урса молу мулкин, қўй уни,
Ўғрини ургаи қароқчи бир кун.

Ўз гамидин йўқ гами беморнинг,
Бир гами йўқ жондин мурдорнинг.

Деди Ҳақ: эй, кимки идбор изланур,
Унга ҳар ерда тиканлар юзланур.

Ул жаҳон ичра тикон экмиш нукул,
Бўлмагай ҳаргиз гулистон ичра ул.

Илқиға гул олса, бўлгай ул тикон,
Борса ёри сўйига, кўргай илон.

Ҳар неким ойнада кўргунг аён,
Пир уни гишт узра кўргай бегумон.

Ҳар адоватга сабаб, боис бўлур.
Қон тўқай, дер бўри ҳар дам, қон ялай,
Бу қилиқ одамда ҳам бор ҳар қалай.

Одамийҳўрди магар аҳли замон,
Ассалом, деб айтса гар, кутма омон.

Учма ул ёр ишвасига, алдар ул,
Бўлма бепарво, тузоғу домни кўр.

Одамо, иблисини жонга мор бил.

Дам урар сенга, дегай: эй жону дўст,
Судрагай қассобга сўнг шилмоққа пўст.

Бокма нокасларга, бекаслик дуруст.

Сен бировлар юртини уй айлама,
Ўз ишинг қил, бошқани қўй, айлама.

Кина қилма, кина—инсоннинг шўри,
Киначининг ёнида бўлгай гўри.

Кўз билур ул гавҳару хошоқни, бас,
Санчилур кўзга ҳамиша хору хас.

Сохта, қаллоблар эрур тун ошиғи,
Қон аро олтин эрур кун ошиғи.

Заргар асбобини олса кафшгар,
Йўлаким, қумга қадалгай доналар.


Тошни урсанг қумга, ўт чиққайму ҳеч?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарма Нотариат адвокатура ва ФХД бўлими иш юритувчиси Наргиза Пўлатовна Мауляноджаевага онаси **МУҚАДДАМ МАУЛЯНОДЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, хақимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мейморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳаётимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасининг, унинг инсонпарварлик ҳолатини кенг ёйишига хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфра-тузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутмади.



ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали

Фестиваллар

БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ ВА БЕБАҲО ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, ЎЛМАС АНЪАНАЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ҚАЙТА ТИКЛАНИБ, ҚАДРЛАНМОҚДА ҲАМДА ЭЪЗОЗЛАНМОҚДА. ЁШЛАР ҚАЛБИГА АҲДОДЛАРИМИЗДАН МЕРОС ҚОЛГАН БЕБАҲО ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ СИНГДИРИШ МАҚСАДИДА ШАҲРИМИЗДА КўПЛАБ ТАНЛОВЛАР ВА ФЕСТИВАЛЛАР, ТУЗЛИ ХИЛ ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР МУНТАЗАМ ЎТҚАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Яқинда Ҳамза номидаги мусиқа коллежида Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари фольклор да-

голиб чиққан ўқувчи-ёшлар фольклор жамоалари катнашди. Танлов иштирокчилари қуйидаги йўналишларда, яъни ҳудудга хос бўлган анъана, маросимлар ва урф-одатлар асосида театрлаштирилган саҳна кўри-ниши, қадимий халқ кўшиқлари-дан—алла, ўлан, катта ашула, ай-тишув, ёр-ёр, лапар, ялла, мил-лий либос ва маший буюмлар-нинг ҳудудларга хос кўри-нишларини намойиш этиб шарҳлаш, ҳудудга хос халқ рақсларидан, халқ озғани бадий ижодиидан на-муналар ижро этиш бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳар бир жамоа-нинг чиқишларини ҳақамлар ҳайати аъзолари муносиб баҳо-лаб бордилар.

лежининг фольклор санъати ва мусиқа назарияси кафедраси мудир Содиқ Мамаосилиев. — Шунингдек, фестиваль-танловда ҳар бир ҳудуд ва вилоятнинг ўзига хос этнографик хусусият-ларини акс эттирувчи фольклор санъати намуналарини саҳнага олиб чиқиб, тарғиб қилинади, иқтидорли ижрочи-ёшларни аниқлаб, улар рағбатлантирилади. Умуман мамлакатимизда фольклор санъатида давлати-миз томонидан катта эътибор қаратилаётганилиги, бундай тан-ловлар ёшларнинг миллий қад-риятларимиз, урф-одатларимиз, маънавиятимизни янада чуқур ўрганишида кўл келмоқда.

— Мазкур фестиваль-танлов-ни ўтказишдан мақсад, халқи-мизнинг қадимий қадриятлари, урф-одатлари, удумлари, фоль-клор санъатини янада ривожлан-тириш, келажакимизда ворислари бўлган ёшларга халқ ижодиёти фольклор санъати дурдоналарини ўргатишга қаратилгандир, — дейди мазкур танлов ҳайати раиси, Тошкент маданият кол-

Фестиваль яқинда голиб жа-моалар аниқланди. Собир Раҳи-мов политехника касб-хунар коллежи, Тошкент педагогика коллежи — олий ўринга муно-сиб топилиб, фестивалнинг рес-публика босқичига йўланма олишди. Сергели тиббиёт кол-лежи — биринчи, Учтепа агри-торжорат коллежи — иккинчи, Миробод политехника касб-хунар коллежи — учинчи ўрин-га эришди. Рағбатлан-тирувчи мукофот эгалари ҳам аниқланди.

Нихоятда қизиқарли ва маз-мунли ўтган мазкур танлов иш-тирокчилар қалбига бир олам таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Барҳаёт анъ-аналар» фестивал-танловидан лавҳа.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'U» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Хурматли абонентлар!

Тошкент шаҳри телефон тармогини ривожлантириш ва модернизациялаш режасига мувофиқ куйидаги АТСлар 360, 361, 362, 363, 364, 367, 368, 369, 390, 391, 392, 393, 395, 396, 397, 398, 399нинг «3» индексли рақамларини «2» индекслига алмаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.
Узгартириладиган телефон рақамлари ва муддатлари:
3637700-3639799 2007 йил 25 апрелдан 2177700—2159794 га ўзгартирилди.
397000—3979999 2007 йил 2 майдан 2470000 — 2479999 га ўзгартирилди.
3950000 — 3959999 2007 йил 11 майдан 2450000 — 2459999 га ўзгартирилди.
3997000 — 3998999 2007 йил 15 майдан 2287000 — 2288999 га ўзгартирилди.
3960000 — 3969999 2007 йил 21 майдан 2460000 — 2469999 га ўзгартирилди.
3670000 — 3679999 2007 йил 28 майдан 2770000 — 2779999 га ўзгартирилди.
Маълумотлар TSHTT www.tshtt. UZ сайтида мавжуд.
Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар хизмати — 09, 009.
Маълумотлар хизматига шаҳарлараро кўнгирок қилиш — 3711355018, 1351052, 1352064.
Маълумотлар хизматига халқаро кўнгирок қилиш — 1099871 1355018, 1351052, 1352064.

«Municipal Aukcion Markazi» Сизларни 2007 йил 12 июнь кунин соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Хужалик судининг қарорига асосан банк-рот деб эътироф этилган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 215-уй манзилида жойлашган «Metelloplastmass» ОАЖ мулкый мажмуа сифатида кўйилади. Бошланғич нархи — 578 442 000 сўм.
Аукцион савдосида катнашиш учун аривалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.
Савдода катнашиш истигани билдирган талабдорлар объектининг бошланғич нархида 10 фоизи миқдорда зақалат пулини савдо ташкилотчиси «Municipal Aukcion Markazi» АИКБ «Ипак йўли» МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000004555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.
Телефон: 144-88-04.
Гувоҳнома: № 001568-09

«Узбек Давлат цирки» республика бирлашмаси цирк чипталарини тарқатиш ва сотиш бўйича туман касбирларини
ИШТА МАҚЛУФ ЭТАДИ
Маълумот учун қуйидаги телефонларга сбат 9.00 дан 17.30 гача мурожаат қилинг: 144-35-09, 144-37-31.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратиغا ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади.
Ҳар ойда бажарган ишига қараб, ўртача 250-300 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.
Танловда катнашиш учун қўйиладиган талаблар:
— олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;
— компьютердаги мавжуд дастурларда мукаммал ишлаш оладиган ҳамда мустақил равишда дастурлар тузиш қобилиятига эга бўлиши;
— Ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларни билиши керак;
— танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий varaқа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.
Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. (Главпочтамт биноси).
Мурожаат учун телефон: 137-49-51.

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда ижарага берилган. Телефон: 157-62-48, 332-64-65.
2 хонали уй сотилади. Т: 390-66-83. Мавжуда опа.

TV O'ZBEKISTON TOSHKENT SPORT 1 РОССИЯ

ДУШАНБА, 14

Ўзбекистон
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлилнома».
8.50, 13.45, 17.15 Олтин мерос.
9.00 «Денгиз тубидаги синаотлар».
9.00 «Музитроль». М/ф.
10.35 «Одами эрсан».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Олтин бешик».
11.45 «Минг бир ривоят».
11.50, 12.55 «Пирини конинт». Спектакль.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргуаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Муҳаддас қадимжолар».
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етақлар».
17.25 «Ўзбекистон кўриқонаси».
17.45 «Одамлардан бири».
18.35 «Окнлар оғушида».
18.15 «Шу азиз Ватан барчамизники».
18.40 «Ошин».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
21.40 «Растага қўйилган одамлар».
22.00 «Икки тақдир».
22.50 «Кўшигимсан, муҳаббат».
23.00 «Сериял - «Бобур».
23.45 «Икки дарё оралигида».
00.05 Тунги наволар.
00.25 «Шу азиз Ватан барчамизники».
00.45 «Билдирасан».
00.55, 3.55 Дунё иқлими.
1.00, 4.00 «Ахборот».
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Чемпион сирлари».
2.00 «Ҳаёт манзаралари».
2.10 «Қиймат қар». Спектакль.
3.50 «Маргилон-2000».
4.35 «Икки дарё оралигида».
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 «Сериял - «Бобур».
5.50 Тонгги наволар.

HTB

4.00 «Сегодня утром».
7.05 «Следствие вели...».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.45 «Сегодня».
8.20 «Чистосердечное признание».
8.55 «Кулинарный поединок».
9.55 «Квартирный вопрос».
11.35 «Сериял - «Адвокат».
13.35, 16.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
14.30, 23.40 «Сериял - «Возвращение Мухтара-2».
17.40 «Сериял - «Ментовские войны-3».
18.40 «Сериял - «Погоня за ангелом».
19.40 «Сериял - «Улицы разбитых фонарей-7».
21.10 Боевик «Бригада».
22.15 «Школа зловещих».
23.05 «Победившие смерть». Док. сериял.
1.25 «Криминальная Россия».
2.20 Фильм «Сказание о земле Сибирской».
6.00 «Самурай Икс». М/ф.
6.45 «Самый маленький гном». М/ф.
6.55, 14.00 «Смешарики». М/ф.
7.00, 14.05 «Приключения Вуди и его друзей». М/ф.
7.30, 9.30, 17.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
8.00, 20.00 «Кадетство». Сериял.
9.00, 19.30, 24.00 «История в деталях».
10.00, 19.00 «Сваха».
10.30 «Дедушка мой мечты».
11.30 «Комиссар Рекс». Сериял.
12.30 «Не родись красивой». Сериял.
14.30 «Путешествие к центру Земли». М/ф.
15.00 «Тунгштейн». М/ф.
15.30 «Том и Джерри». М/ф.
16.00 «Сабрина - маленькая ведьма».
16.30 «Галилео».
18.00 Комедия «Кто в доме хозяин?».
21.00 «Рыцари неба».
23.00 «Безмолвный свидетель». Детектив.
00.30 «Отчаянные домохозяйки».
1.20 «Непродсказанная Сюзанна».
1.45 Комедия «Тесная компания».
2.05 «Новая Жанна д'Арк». Сериял.
3.30 «Миссия ясновидения».
4.15 «Настоящие дикири». Сериял.
4.35 Музыка на СТС.

Первый канал

3.00 Телеканал «Доброе утро».
7.00 Новости.
7.05 «Малахов+».
8.05 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм.
9.00 «Чужие тайны». Многосерийный фильм.
10.00 «Понять. Простить».
10.15 «Лолита. Без комплексов».
11.30 «Детективы».
12.00 Другие новости.
12.25 «Контрольная закупка».
13.00 (с субтитрами).
13.15 «Вне закона. «Смертельная афера».
13.30 «Новые истории». Многосерийный фильм.
14.55 «Федеральный судья».
16.00 Вечерние новости (с субтитрами).
16.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым.
17.00 «Татьянин день». Многосерийный фильм.
17.55 «Чужие тайны». Многосерийный фильм.
19.00 «Премьера. «Свой, чужой». Многосерийный фильм.
20.30 «Ростовские фантомы».
21.30 «Новые истории».
21.45 «Искатели». «Смертельный поединок».
22.35 «Ударная сила. «Оружие-невидимка».
23.20 «Одди Хелперн, Шон Коннери в приключенческом фильме «Робин и Мариэн».
1.00 «Время».
1.30 Приключенческий фильм «Робин и Мариэн». Продолжение.
1.50 «Сериял - «Отцы и дети»».
3.00 «Доброе утро, Россия!».
6.45 «Запрещенный концерт. Немузыкальная история».
7.45, 11.40 Вести.
8.00 «Настоящая жизнь».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Вести.
9.30, 12.20, 14.40, 18.45 Местное время.
9.50, 19.15 «Оплачено смертью».
12.40 «Суд идет».
14.00 «Кулагин и партнеры».
15.10 «Неотложка».
16.05 «Танго втроём».
17.00 «Ангел-хранитель».
19.05 «Спокойной ночи, малыши!».
21.15 «Этот пылкий влюбленный. Владислав Стрельчик».
22.15 «Вести+».
22.35 Боевик «Враждебные воды».
00.30 «Дорожный патруль».
00.45 «Закон и порядок».
1.35 «Джонни Зиро».
2.15 «Евроночь».

ТОШКЕНТ

17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25, 22.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтакт».
18.45, 21.25, 22.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
20.15 «21.45 «ТВ юрист».
20.20 Подводные прогулки: «Подводные леса».
20.50 «Интервью».
21.00 «Козина».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино «Отражение по-французски».
7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Таликин».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 «АвтоГРАФ».
10.50 Бокс: Чемпионат Узбекистана.
11.00 «Детский спорт».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Кто на что горазд?».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 Каратэ. Открытый чемпионат Центральной Азии.
21.00 Футбольное обозрение.
21.50 Кино «Как Майк 2».
23.20 Хоккей. Чемпионат мира. Финал.
Первый канал
3.00 Телеканал «Доброе утро».
7.00 Новости.
7.05 «Малахов+».
8.00 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм.
9.00 «Поле чудес».
10.00 «Вести».
10.15 «Понять. Простить».
10.40 «Лолита. Без комплексов».
11.30 «Детективы».
12.00 Другие новости.
12.25 «Контрольная закупка».
13.00 (с субтитрами).
13.15 «Криминальная Россия. «Камский спрут». 2-я серия.
13.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм.
14.55 «Федеральный судья».
16.00 Вечерние новости (с субтитрами).
16.15 «Жди меня».
17.05 «Татьянин день». Многосерийный фильм.
17.55 «Чужие тайны». Многосерийный фильм.
19.00 «Время».
19.30 «Премьера. «Свой, чужой». Многосерийный фильм.
20.30 «Муслим Магомедов. Страсти по колоролу».
21.30 «Ночные новости».
21.45 «Теория невероятности. «Осторожно, молния!».
22.35 «Гении и злодеи».
23.10 Фильм «Барабанная дробь».
1.00 «Время».
1.30 Фильм «Барабанная дробь». Продолжение.
1.50 Фильм «Охотник за змеями».
Россия
3.00 «Доброе утро, Россия!».
6.45 Фильм «Женская дружба».
8.45, 11.40, 2.40 Вести. Дежурная часть.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Вести.
9.30, 12.20, 14.40, 18.45 Местное время.
Вести-Москва.
9.50 «Сериял - «Горынь и Виктория».
12.40 «Суд идет».
14.00 «Кулагин и партнеры».
15.10 Телеканал «Камская».
16.05 «Танго втроём». Телесериал.
17.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.05 «Спокойной ночи, малыши!».
19.15 Телеканал «Оплачено смертью».
21.15 «Мой серебряный шар. «Большой вальс».
22.15 «Вести+».
22.35 «Невидимое - невероятное».
23.05 «Динемания».
23.40 «Дорожный патруль».
23.55 Фильм «Поздняя встреча».

СЕШАНБА, 15

Ўзбекистон
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.45, 17.15 Олтин мерос.
8.50 «23. 5 даража бурчак остида».
9.20 «Уйла, Изла, Топ!». «Роки ва унинг дустлари». М/с.
10.20 «Остонаси тиллодан».
10.50 «Икки дарё оралигида».
11.15 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 Самарқанд - 2750.
12.15 «Минг бир ривоят».
12.20 «Тут сайли».
12.35 «КиноТеатр».
13.05, 22.00 «Икки тақдир».
14.20 «Кусто командасининг сувости саргуаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Интеллектуалнинг».
16.05 «Кухна ва навиқорон Маргилон».
16.30 «Ҳаётимиз қомуси».
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етақлар».
17.25 «Ўзбекистон кўриқонаси».
17.45 ИВВ хабарлари.
18.05 «Маргилон-2000».
18.10 «Худудлар ҳаёти».
18.25 «Окнлар оғушида».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин».
19.10 «Банк ва миқоз».
20.05 «ТВ шифокор».
21.40 «Агроинтех-2007».
22.50 «Кўшигимсан, муҳаббат».
23.00 «Сериял - «Бобур».
23.30 «Икки дарё оралигида».
23.50 Тунги наволар.
00.10 «KINOMANIYA».
00.40 «Истиёдул».
00.45, 3.55 Дунё иқлими.
1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот».
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Заковат».
2.45 «Тут сайли».
3.15 «Назм ва наво».
3.50 «Самарқанд-2750».
4.35 «Икки дарё оралигида».
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 «Сериял - «Бобур».
5.35 Тонгги наволар.

HTB

4.00 «Сегодня утром».
7.05 «Наше все!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.45 «Сегодня».
8.20 «Чистосердечное признание».
8.55 «Приндите, верни...». Док. фильм.
9.55 «Агент национальной безопасности».
11.25, 2.15 «Сериял - «Камская».
13.35, 16.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
14.30 «Сериял - «Возвращение Мухтара-2».
17.40 «Сериял - «Ментовские войны-3».
18.40 «Сериял - «Погоня за ангелом».
19.40 «Сериял - «Улицы разбитых фонарей-7».
21.10 «Сериял - «Бригада».
22.15 «TOP GEAR».
22.45 Боевик «Кафис».
00.35 «Сериял - «Свой человек».
6.00 «Самурай Икс». М/ф.
6.45 «Самый маленький гном». М/ф.
6.55, 14.00 «Смешарики». М/ф.
7.00, 14.05 «Приключения Вуди и его друзей». М/ф.
7.30, 9.30, 17.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
8.00, 20.00 «Кадетство». Сериял.
9.00, 19.30, 24.00 «История в деталях».
10.00, 19.00 «Сваха».
10.30 «Дедушка мой мечты».
11.30, 23.00 «Безмолвный свидетель».
12.30 «Не родись красивой». Сериял.
13.30 «Экстремальная команда». М/ф.
14.30 «Путешествие к центру Земли». М/ф.
15.00 «Тунгштейн». М/ф.
15.30 «Том и Джерри». М/ф.
16.00 «Сабрина - маленькая ведьма».
16.30 «Галилео».
18.00 Комедия «Кто в доме хозяин?».
21.00 «Пришелец».
00.30 «Отчаянные домохозяйки». Сериял.
1.25 «Осторожно, Задов, или Пожарные прарощики».
2.25 «Новая Жанна д'Арк». Сериял.
3.55 «Миссия ясновидения». Сериял.
4.35 «Настоящие дикири». Сериял.
4.55 Музыка на СТС.
ТВ 3
6.00 Победоносный голос.
7.00 М/с «Люди Икс».
7.30, 13.30 М/с «Аржай».
8.00 Российские мультфильмы.
9.00 Х/ф «Творение Питера Бенчли».
13.00 «Сериял - «Новые приключения Лас-си».
14.00, 15.15 «Сериял - «Мафиоза».
16.30 Х/ф «Вечная битва».
18.30 Киномания.
19.00 Х/ф «Бассейн».
21.15 Х/ф «Новые приключения неуловимых».
23.00 «Сериял - «Говорящая с призраками».
24.00 Х/ф «Сибирячка».
2.00 Х/ф «С меня довольно».
4.00 «Сериял - «Шлионка».
5.00 Релакс.

ЧОРШАНБА, 16

Ўзбекистон
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «23. 5 даража бурчак остида».
9.05 «Олтин тож». «Роки ва унинг дустлари». М/с.
9.55 ИВВ хабарлари.
10.15 Д. Зокорев номидаги халқ чоғула-ри остидаги концерт.
10.40 «Банк ва миқоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 «Ягона оила».
12.20 «Шахсий фикр».
13.05, 22.00 «Икки тақдир».
13.45 Олтин мерос.
(Давоми 4-бетда)



Давоми Боши 3-бетда

14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузашлари».

7.00, 14.00 «Янги тонг».

7.00 «Салом, Тошкент!».

7.00 «Бодро утрос».

3.00 Телеканал «Добро утро».

7.00 «Милалов».

3.00 «Добро утро, Россия!».

8.00 «Частная жизнь».

4.00 «Сегодня утром».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 Победносный голос.

6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 «Самурай Икс».

7.00, 14.00 «Янги тонг».

9.15, 20.45 «Омон булинг!».

4.00 «Сегодня утром».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 Победносный голос.

6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 «Самурай Икс».

7.00, 14.00 «Янги тонг».

00.30 Сервал «Свой человек».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 Победносный голос.

6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 «Самурай Икс».

6.00 «Самурай Икс».

7.00, 14.00 «Янги тонг».

20.20 «Цунами».

7.00 «Бодро утрос».

7.00 «Бодро утрос».

7.00 «Бодро утрос».

7.00 «Бодро утрос».

7.00 «Бодро утрос».

7.00 «Бодро утрос».

7.00 «Бодро утрос».

8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

17.00 Кино «Ота меҳри».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».

8.00 «Бодро утрос».



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Наширият етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки «Тошкент почтаmlтига — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг эмулки.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терибли ва сарҳаflланди.

«Шарк» нашрийят-матбоба акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41-уй.